



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз АСТА NUUz

МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/9**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

Sayfutdinova D. Innovatsion ta'lim texnologiyalarining mohiyati.....	169
Sarimova D. Kimyo darslarida kimyoviy eksperimentni o'tkazish va kasbiy kompetentlikni rivojlantirish usullari	172
Tashmetov T. Global ўzgarishlar davrida ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш давр талаби ..	175
Tojiboyeva G. Nizolarni bartaraf etishning ijtimoiy-psixologik profilaktikasi.....	178
Tojiboeva C. Абу Али ибн Сино таълимотлари асосида биология фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш	181
Toxirov F. Talabalarining dasturlashga oid algoritmik fikrlashini rivojlantirishda axborot ta'lim muhitlarining amaliy samaradorligi	185
Турдиева Н. Развитие коммуникативных навыков студентов в сфере туризма посредством использования метода проектной технологии	188
Умирзакова Н. Биоэтиканинг фалсафий-ахлоқий негизлари эволюцияси ва ривожланиш диалектикаси	192
Файзуллаев С. Замонавий халқаро муносабатларда Эрон Исломи Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қиёфаси	196
Хайдарова М. Ижтимоий рефлексия шахс ривожланишининг таркибий қисми сифатида	200
Хатамов Ф. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқларининг кафолати.....	203
Xujayev M. Аҳмад Заки Валидийнинг Қуръони Карим таржималари хусусидаги тадқиқоти	206
Xujakulov Sh. Pedagoglarni uzluksiz kasbiy rivojlantirishda mobil texnologiyalar: o'qitish imkoniyatlari, tahlil va tadqiq	209
Хуррамов А., Боймуродов А. Таълим муассасаларида рақамли ўқитиш технологиясининг ўқитувчилар касбий компетенциясига таъсири	212
Хусанов Э. Экологик таълимга замонавий талаблар	214
Хайдаров И, Юлдашева Г. Формирование профессиональной компетентности у студентов.....	218
Хайдарова М. Boshlang'ich sinflarda tarbiya fanini o'qitishning pedagogik asoslari.....	221
Чориев М. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар таснифи.....	224
Shokirov P. Toshkent davlat texnika universiteti talabalarini suzish mashg'ulotlariga munosabati.....	228
Ergashev N. Bulutli texnologiyalarda mavjud tahdidlar, ularga qarshi kurashish mexanizmlari va metodlari.....	230
Эркинов И. Ўзбекистон Республикасининг “ягона интерактив давлат хизматлари портали” фаолиятининг таҳлили, натижалари ва истиқболлари	233
Ermatov Sh. Ko'rgazmali metodlar asosida trigonometrik tushunchalarni o'rganish	237
Юсупов М. Қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш: инновацион ёндашув.....	241
Филология	
Абдувалиев М. Лингвистик концептологиянинг шаклланиш босқичлари, унинг бугуни ва истиқболи	244
Абдуллаева Н. Ўзбек халқ мақоллари таркибидаги градуонимларнинг лингвопрагматик хусусиятлари	247
Абдюжанова В. Муҳаррирнинг публицистик матн композицияси устида ишлаш маҳорати.....	251
Ахмедова М. Ҳозирги замон ёшлар нутқидаги жаргонлар	255
Ахмедшина Л. «Семантические поля как метод представления концепта»	259
Bekboyeva G. “Ezgulik” konseptining milliy-madaniy asoslari.....	262
Бекирова Э. Зоосимволы «тигр» и «собака» в языковой картине мира корейцев (на материале паремий).....	265
Ибрагимов Ж. Жаҳон дугатчилигида сўзлар бирикувчанлиги дугатлари	268
Йўлдашева Х. Нуткий акт турларини белгилашда социолингвистик омилларнинг аҳамияти.....	272
Karshiyeva T. Nolingvistik oliy ta'lim muassasalarida ingliz tili leksikasini o'rgatishda didaktik o'yinlardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari	276
Komilova G. O'zbek adabiyotshunosligi bilingual she'riyatining tarixiy ildizlari va rivojlanish konseptsiyasi	279
Qurbonova F. Badiiy psixologizm – zamonaviy o'zbek nasrining asosiy tamoyillaridan biri sifatida	282
Mirxodjava F. Xushmuomalalikni o'rganishdagi asosiy yondashuvlar	285
Muminova U. “Devonu lug'otit turk” onomastikasi.....	288
Муратова Н. Использование открытых данных в работе журналистов: развитие, актуальность, опыт внедрения.....	291
Мустафоқулов Р. Достонлар термалардан бошланади.....	294
Пулатова В. Специфика жанрового инварианта антиутопии первой половины XX века	297
Рашидова У. Ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг услубий дифференцияси масаласи	301
Ruzmetova O. O'zbek tilidagi matematik terminlarning sintaktik-derivatsion xususiyatlari	305
Сандова Н. Фэнтези жанрининг назарий асослари.....	309
Сабирова Э. Ўзбек тилининг изоҳли дугатида бир ва кўп маъноли ҳуқуқий терминларга доир.....	312
Sulaymanova D. S.T.Koldrij she'riyatida yovuzlik tasviri.....	316
To'rayeva D. Shaxsiy yozishmalarning tavsifiy xususiyatlari mazmuni	318
Tursunova M. Turli tizimli tillarda biznes kommunikatsiyasiga doir atamalarining genezisi.....	322
Fayzullayeva O. Study and distinctive features of poetic cycles	325
Xalova M. Halima Xudoyberdiyeva she'riyatining g'oyaviy-badiiy xususiyatlari.....	328
Хидирова М. Труман Капоте ва Норман Мейлер ҳужжатли романларида ижтимоий муаммолар талқини	331
Xolmonova S. Uy-jihoz buyumlarini nomlashda retonimik imkoniyatlar	334
Xudjayeva R. Ingliz-o'zbek badiiy tarjimalarida omonimlar qo'llanishining qiyosiy tahlili	338
Khazratkulova O. Theoretical and practical approaches to the linguistic concept in cognitology.....	342
Hamroyeva G. Sharof Boshbekovning peyzaj yaratish mahorati.....	345



УДК: 1/14.

Тухтасин ТАШМЕТОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети доценти
фалсафа доктори (PhD)
E-mail: toshmetovtuxtasin@gmail.com

Фалсафа фанлари номзоди доцент Ш.Х.Тогаев тақризи асосида

FORMATION OF IDEOLOGICAL IMMUNITY OF YOUTH IN THE ERA OF GLOBAL CHANGES IS A REQUIREMENT OF THE TIME

Abstract

At present, the era of global changes attracts more and more new territories and regions, all spheres of human activity. This is especially evident in the issue of attitude to culture and the spiritual and moral values that make up its main core. Therefore, in the era of global changes, it becomes urgent to form ideological immunity in the minds and hearts of our youth to fight various alien and harmful ideas.

Key words: globalization, spirituality, national idea, ideology, education, upbringing, innovative technologies, immunity, society, information and communication technologies, universalization, integration, Internet, social threat, network, propaganda, universal values, humanism.

ФОРМИРОВАНИЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА МОЛОДЕЖИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛЬНЫХ ПЕРЕМЕН ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

Аннотация

В настоящее время эпоха глобальных изменений притягивает к себе все новые и новые территории и регионы, все сферы человеческой деятельности. Особенно ярко это проявляется в вопросе отношения к культуре и духовно-нравственным ценностям, составляющим ее главный стержень. Поэтому в эпоху глобальных перемен становится актуальным формирование идеологического иммунитета в умах и сердцах нашей молодежи для борьбы с различными чуждыми и вредными идеями.

Ключевые слова: глобализация, духовность, национальная идея, идеология, образование, воспитание, инновационные технологии, иммунитет, общество, информационно-коммуникационные технологии, универсализация, интеграция, интернет, социальная угроза, сеть, пропаганда, общечеловеческие ценности, гуманизм.

ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА ЁШЛАРИНИНГ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Аннотация

Ҳозирги кунда глобал ўзгаришлар даври янги-янги ҳудуд ва минтақаларни, инсон фаолиятининг барча соҳаларини ўз домига тортмоқда. Айниқса бу – маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган муносабат масаласида ёрқин намоён бўлмоқда. Шу боисдан, глобал ўзгаришлар даврида ёшларимизни турли хил ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун уларнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Калит сўзлар: Глобаллашув, маънавият, миллий ғоя, мафкура, таълим-тарбия, инновацион технологиялар, иммунитет, жамият, ахборот коммуникацион технологиялар, универсализация, интеграциялашув, Интернет, ижтимоий таҳдид, тармоқ, тартибот-ташвиқот, умуминсоний қадриятлар, гуманизм.

Қириш. Инсоният тараққиётининг бугунги босқичида энг катта масштабдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан бири, шубҳасиз, глобаллашув жараёни дейишимиз мумкин. Глобаллашув жараёни жамиятнинг сиёсий, иқтисодий соҳалари билан бир қаторда ижтимоий-маънавий жиҳатларига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келмоқда, ижтимоий онгини турли қўринишлари янгича моҳият касб этиб, мутлақо бошқача қўринишда намоён бўлмоқда. Бугунги кунда содир бўлаётган барча ўзгаришлар, жадаллашув жараёни билан сўз билан «глобаллашув» деб номланади.

Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, миллий ва мафкуравий ғояси, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши билан содир бўладиган ҳодисадир. Зеро, глобаллашиб бораётган бугунги дунёда содир бўлаётган воқеалар тадрижини кузатиш кишига жаҳонда кузатилаётган табиий, ижтимоий ҳамда тарихий ҳодисалар асосида миллий ғоя ва маънавият тобора устувор аҳамият касб этаётганлиги

ҳақида хулоса чиқариш имкониятини беради. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашувни, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга,»[1] деб таъкидлайди.

Миллий ғоянинг глобал ўзгаришлар даврида энг характерли хусусиятларидан бири ахлоқий муносабатлар ва меъёрлар ижтимоий аҳамиятининг ортиши ҳамда минтақавий хусусиятлар аҳамиятининг сезиларли даражада ошишида кўзга ташланади. Бунинг муайян сабаблари мавжуд. Чунончи, глобал ўзгаришлар ушбу жараёнга қарши бўлган антиглобалистлар ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келди.

Ҳозирги кунда глобал ўзгаришлар даври янги-янги ҳудуд ва минтақаларни, инсон фаолиятининг барча соҳаларини ўз домига тортмоқда. Рус тадқиқотчиси

М.Решетников глобаллашувнинг вужудга келиши ва ривожланишида ахборот технологияларининг ўрни катта эканлигини таъкидлайди. Олим глобаллашув жараёнидаги асосий ҳаракатлангирувчи куч сифатида «юкори технологияларнинг ривожланиши, ахборот узатиш тезлигининг ўсиши ва шаклининг мураккаблашиб боришини кўради»[2]. Дарҳақиқат, ахборотлашув жараёни глобал ўзгаришлар даврининг характерли хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, дунё ОАВларида тарқатилаётган ахборотларнинг 8 фоизи ҳолис, 92 фоизи манипуляцияга қаратилган. Интернетнинг ижтимоий тармоқлардаги “Facebook”, “Twitter”, “Odnoklassniki” “V kontakte” “Telegram”, “Viber”, “WhatsApp”, “Instagram”, “Imo” каби месенжерлар ёшларга идеал “улашмоқда”. Хусусан, Ўзбекистон ёшларининг ҳам кўп вақтлари шу тармоқларда кечмоқда. Бу эса маълумот олишнинг энг тез ва арзон усули сифатида қабул қилинмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган ёт ва зарарли ғоялар оҳанрабодек ёшларни ўзига жалб этиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Исроом Каримов “Тафаккур” журналига берган интервьюсида, “...баъзан беозор бўлиб туюладиган мусика, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилошлар ифодаланади”[3] деб таъкидлайди. Шу ўринда, аҳолининг қайси қатламига мулжалланганлигига, уларнинг ёши билан боғлиқ психологик жиҳатларга алоҳида эътибор берилишини ҳам инобатга олиш зарур.


Глобаллашув жараёни энг илғор, замонавий ахборот технологиялари воситасида ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши инсонлар учун чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Шу билан бирга глобал ўзгаришларнинг ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатлари ҳам мавжуд. Булар қаторида, аввало, маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган муносабат масаласини келтиришимиз мумкин. Шу жиҳатдан глобал ўзгаришларга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб, дея таъриф бериш ҳам мумкин. Бугунги кунда, глобал ўзгаришлардан самарали фойдаланилган тақдирда, ҳар қандай мамлакат, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам олға ҳаракат қилишнинг самарали шарти, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига бўлган умид таянчи сифатида қараш мумкин.

Бизнинг фикримизча глобал ўзгаришлар даврида ғоявий кураш тобора кучайиб борар экан, у, ўз навбатида, миллий ғоя ва маънавиятни янада юксалтиришни тақозо қилади. Шу боисдан ҳам миллий ғоя, унинг асосий мазмун-моҳияти, биринчи навбатда, миллатимиз

маънавияти, миллий ва умумбапарий қадриятлари, мустақил давлат барпо этиш йўлидаги бой тажрибаларимизга асосланади ва улардан озиқланади. Қолаверса, миллий ғоя тарғиботининг кутилган самараларни бериши учун уни жамиятнинг барча аъзолари манфаати нуктаи назаридан муттасил равишда ривожлантириб, глобаллашиб бораётган замон талабларига мослаштириб бориш талаб этилади. Чунки миллий ғоя халқимизнинг келгуси тараққиёт йўлларини кўрсатиб берувчи умуммиллий дастур бўлиб, унда жамиятимизнинг ривожланиш диалектикаси ўз аксини топган.

Шу жиҳатдан, глобал ўзгаришлар даврида зарарли мафкуравий таъсирларга қарши кураш миллий ғоянинг бунёдкор мазмун-моҳиятини кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз орасида мақсадга мувофиқ тарзда тарғиб ва ташвиқ этиш давомийлигини тақозо этади. «Бироқ, мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари замон талабидан ортда қолмоқда»[4]. Бинобарин, ўтмишимиз ва келажакимиз учун қудрат бағишлайдиган миллий ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбиялашимиз, ўз миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаб боришимиз лозим. Бу жараёнда миллий ва умуминсоний қадриятларни ёш авлодга етказишнинг замонавий инфраструктураси ва технологиясини янада такомиллаштириш масаласи зарарли ва ёт ғояларни, мафкуравий таҳдидларни бартараф қилишнинг муҳим омили эканини ҳаётий тажрибанинг ўзи исботламоқда.

Шу нуктаи назардан, 2018-2019 йилларда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятлари аҳолисининг маънавий қиёфасини ўрганиш мақсадида ижтимоий тадқиқотлар ўтказилди. Масалан, Сурхондарё вилояти сўровномада жами 702625 та хонадондан 395408 таси (56,2%) иштирок этди. Унга кўра «Миллий қадриятларга муносабатингиз қандай?» деган саволга «Қадриятлар эркин яшашига ҳалакат беради» деб жавоб берганлар 10.4 %, «Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман» деганлар 12.3 %, «Вазиятга қараб иш қиламан» деганлар 14.45 %, «Ҳурмат қиламан ва амал қиламан» деб жавоб берганлар эса 62.9 %ни ташкил этгани ижобий ҳолат бўлса, аммо баъзиларнинг миллий қадриятларнинг ўзи нима эканлигини тушунмаганликлари салбий ҳолат сифатида баҳоланади. (1.1. диаграммалар)



1.1.-диаграмма «Миллий қадриятларга муносабатингиз қандай»? %

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун эса ватанпарварликни, эркин тафаккур тарзини, нозик дид ва юксак ахлоқийликни тарбиялаш зарур. Ёш авлод онгига ватанпарварлик каби универсал тамойиллар, мезонлар ҳисобланадиган гуманизм (инсонпарварлик), халқчиллик

ва тараққиқпарварлик ғояларини замонавий технологияларидан фойдаланиб сингдирилиши лозим.

Бугунги кун ёшларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мафкуравий иммунитет биринчидан, у ҳар бир ёш авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, иммунитет тизими шаклландидагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш лозим.

Бизнинг фикримизча, мафкуравий иммунитет – бегона, зид, беқарорлаштирувчи ғоя, қараш ва мафкураларга қарши курашиш, уларни қабул қилмаслик ва улар таъсири остида қолмаслик қобилияти дея таърифлаш мумкин.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асоси – билимдир. Аммо билимлар кўп. Мисол учун, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муаян билимларга таянадилар. Шундай экан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар обектив бўлиши воқеийлиги тўғри ва тўлиқ ақс эттирилиши, Ватан ва миллат манъафатлари билан ўзвий боғлиқ ҳолда инсон маънавиятини бойишига, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим.

Мафкуравий иммунитет шаклланишининг иккита асосий омили анашундай билимлар замирида шаклландиган қадриятлар тизимидир. Яъни билимлар қанчалик обектив чуқур бўлса унинг замирида юзага келган қадриятлар, қадрлаш мезонлари ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Мафкуравий иммунитет тизим сифатида ўзида қуйидаги компонентларни бирлаштиради: биринчи компонент билимдир. Аммо шу ўринда аниқлик талаб этилади. Масалан, вайронкор ғоя тарафдорлари ҳам маълум «билимлар тизими»га таянадилар. Бу, бир томондан, ғоявий иммунитет тизимидаги билимлар ҳолис бўлиши, воқеийлиги тўғри ақс эттирилиши, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кура, Ватан ва халқ манъафатлари, умуминсоний қадриятлар устиворлиги билан ўзвий боғлиқ бўлмоғи лозим.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи компоненти қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик ҳолис ва асосли бўлса, унинг замирида юзага

келган маънавий қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шундай экан, тизим ичидаги қисмлар ўзаро ўзвий ва боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий таҳдидлар қаршида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Ёшларимизни турли ғоявий ва мафкуравий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун уни, аввало, тараққиёт қонунларини чуқур ақс эттирадиган соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафкура билан қуроллантириш керак. Ўзлгимизни, одоб-ахлоқимизни, меросимиз, қадриятларимиз ва миллий руҳимизни зарarli ғоялар ва мафкуралар таъсиридан авайлаб-асраш, уларга қарши ёшларимиз қалби, онги ва ички дунёсида мафкуравий иммунитетни шакллантириш орқалигина миллатни асраш мумкин.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки, глобал ўзгаришлар даврида миллий ғояни ҳар бир инсон, айниқса ёшларнинг қалби ва онгига синдириш орқали уларда мафкуравий иммунитет шаклланиши, маънавий, ахлоқий, тарбиявий сифатларни ҳар томонлама янада юксалтириш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ҳар қандай янгилик, энг аввало, ғоядан бошланади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш учун, аввало, замонaviй миллий ғоя керак бўлади. Бундай ғоя, олимлар, зиёлилар ва жамиятнинг бошқа фаол фуқаролар томонидан илгари сурилади.

Модомики, жамият ҳаётини ривожлантиришнинг инновацион ғоялар тизими ҳақида илмий фикрлар баён қилинган экан, энди уни амалга ошириш механизмни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бунда эътиборни яратилган инновацион миллий ғоя асосида илм-фан ва техника-технологиялар орқали амалга оширилган илмий-ишланмаларнинг қандай натижалар беришига қаратиш зарурдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши // Халқ сўзи, 2021 йил 20 январь № 13.
2. Репетников М.М. Глобализация - самый общий взгляд. Часть 1. - СПб., Восточно-Европейский институт психоанализа, 2002. - 76 с.
3. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” “Тафаккур”, 1998 йил. 2-сон, Б-6.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-5465-сонли Фармойиши Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш контсепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида // «Халқ сўзи», 2019 йил 8-апрель.